

ISSN : 3030-3974

# MAKON VA ZAMON

Пространство и время  
Space and time

№3  
2025

# MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,  
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

**2025/3 (№5)**

**M u a s s i l a r:** “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini  
mexanizatsiyalash muhandislari instituti” Milliy tadqiqot universiteti  
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*  
M.Abdullayeva, *s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor*  
R.Choriyev, *p.f.d., professor Z.Ismoilova, f.f.d., professor J.Ramatov,*  
*i.f.d., dotsent X.Pirmatov, s.f.d. – A.Ravshanov.*

**ISSN 3030-3974**

**Bosh muharrir – tahririyat rahbari:**

*Qiyom Nazarov – f.f.d., professor*

**Nashrga tayyorlovchilar:**

M.Tursunova, M.Turdiyeva, Q.Kdirbayev

**Tahririyat manzili:** Qori Niyoziy ko'chasi, 39,  
Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. “Times” garniturasini.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

## MUNDARIJA:

<b>Бош муҳаррир минбари</b>	Шарқ ва Ғарб фалсафасининг узвий алоқадорлиги.....	4
<b>N.Kuvvatov</b>	Umuminsoniy demokratik prinsiplarning qaror topishi – yangi O‘zbekistonni barpo etish omili.....	8
<b>X.Nishonov</b>	Oliy ta’lim muassasalarida korporativ madaniyatni shakllantirishda axloqiy tarbiyaning o‘rni.....	12
<b>B.Ahmedov</b>	Maktabgacha yoshdagi bolalarda vatanga muhabbat tuyg‘usining o‘ziga xos xususiyatlari.....	15
<b>И.Насриев</b>	Мерос ҳақидаги шартнома институтининг атрибутлари ва устивор тамойиллари.....	20
<b>Д.Куанишова</b>	Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий тафаккурида аёллар ҳақидаги қарашлар.....	25
<b>S.Xoldarov</b>	Beruniyning ijtimoiy-falsafiy va antropologik qarashlari.....	29
<b>М.Парпиев</b>	Европа уйғониш даврида фалсафий ва илмий билимлар динамикаси.....	32
<b>N.Zaynobidinova</b>	Jahon mamlakatlari tajribasida diniy va dunyoviy qarashlarning uyg‘unligi.....	36
<b>У.Мавлянов</b>	Али Сафийнинг билиш тўғрисидаги қарашлари.....	40
<b>М.Умарова</b>	Бухоро Амир Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида маданий ва маънавий ҳаёт.....	45
<b>I.Boymirzayev</b>	Nizak Tarxon I va Nizak Tarxon II ning hayoti va qo‘zg‘olonlari.....	49
<b>D.Xaydarova</b>	Jadidchilikning ijtimoiy-ma’rifiy yo‘nalishlarining proksiologik xususiyatlari.....	53
<b>Д.Мамажонов</b>	XX асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг театр ва кино равнақиға таъсири.....	57
<b>Sh.Elmuratova</b>	Sharof Rashidov xotirasini abadiylashtirish ishlarida muzeylarining tutgan o‘rni.....	60
<b>O.Abduvaliyev</b>	Ijtimoiy muammolarni hal etishda yoshlarning o‘rni.....	63
<b>Г.Нишонбоева</b>	Маданий тарбия – ёшлар камолотининг пойдевори.....	67
<b>X.Xolmirzaev</b>	Sun’iy intellekt va ijtimoiy tenglik dinamikasi.....	70
<b>D.O‘rinboev</b>	Janubiy Koreyaning strategema nazariyalaridan foydalanishning o‘ziga xos xususiyatlari.....	74
<b>B.Toshboyev</b>	Milliy xarakter va axloq uyg‘un rivojlanishida zamon va makon dialektikasi.....	77
<b>U.Muxtarov</b>	Ishsizlikni kamaytirishda mehnat bozorining asosiy xususiyatlari....	81
<b>D.Ergashev</b>		
<b>O.Ortiqov</b>	Ijtimoiy fikr taraqqiyotida falsafiy merosning o‘rni va ahamiyati.....	85
<b>О.Межевникова</b>	Когнитивные изменения и адаптация сознания в цифровом мире.....	88
<b>A.Sodiqov</b>	Ziyoli mafkurasi – sog‘lom jamiyat asosi.....	91
<b>Q.Yunisov</b>	Globalashuvning mohiyati va shakllanish tarixi.....	95

## МАДАНИЙ ТАРБИЯ – ЁШЛАР КАМОЛОТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Гуларо Нишонбоева  
маданиятшунослик бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация.** Ушбу мақолада бугунги глобаллашиб бораётган тезкор даврда ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, ёш авлодни ахлоқий қарашларини турли информацион хуружлардан асраш масаласининг долзарблиги ҳақида мухтасар фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** мустақиллик, миллий ғурур, маданий тарбия, баркамол авлод, маданий муҳит, ахлоқий тарбия, маданий-маърифий тушунча.

**Аннотация.** В данной статье кратко обсуждается актуальность вопроса повышения культурного уровня молодого поколения, защиты его нравственных взглядов от различных информационных атак в ускоренный период глобализации.

**Ключевые слова:** независимость, национальная гордость, культурное воспитание, гармоничное поколение, культурная среда, культурно-просветительское понятие.

**Annotation.** This article briefly discusses the relevance of raising the cultural level of the younger generation, protecting its moral views from various information attacks in the accelerated period of globalization.

**Keywords:** independence, national pride, cultural education, mature generation, cultural environment, moral education, cultural and educational concept.

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, тили, ўз динига эга бўлди; миллий ғурури, иззат обрўси тикланиб, эндиликда миллий қадриятларимиз, маданий меросимиздан баҳраманд бўлмоқда. Мустақиллик ва маданият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Бундай маданиятнинг тараққий этиши, қалбларга сингиши учун мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юқори маданият негизида пайдо бўлади. Ҳар бир алоҳида шахсининг ва бутун миллатнинг маданий камолот йўли орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам шу боисдан маданият ва маърифатга доимо диққат қаратиб келмоқдалар. Мазкур ислохотлар туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда, ўз миллатининг маданиятини англамоқда, тарих олдидаги вазифасини бажариб келмоқда.

Маданий тарбия тизимида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарлидир. Маданий жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжақўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Кишиларда, хусусан ёшларда янги маданиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий-маданий инқирозга барҳам бериш, янги тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш даврида жамият ҳаётида маданий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларда чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим.

Маънавий қашшоқ, маданий-ахлоқий сушт, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маданий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлониининг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган ўғитига амал қилишимиз зарур.

Эндиликда маданий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. “Мен ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан кучқувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман”, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Аввало, шуни айтиш керакки, маданий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунчадир. Маданий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир.

Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Соғлом авлод деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий-маданий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак.

Маданий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маданий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маданиятга эга инсон – фидоийлик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради.

Маданий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари сирасига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳисси ҳам киради. Мустақиллик тафаккурини ҳар бир кишида, айниқса, ҳозирги ёшларда шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғурур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатсеварлик каби хислатлар жўш урмайди. Мустақиллик тафаккури кенгқамровли тушунча бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ватан келажаги ҳақида қайғуриш;
- Халқи, миллати, юрт қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш;
- Бутун меҳнати, истеъдоди, имкониятини, зарур бўлса жонини ҳам юрт истиқболи, халқ бахти учун бахшида этиш ва бошқалар.

Мустақиллик, бу – бизга аждодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маданий мерос десак, асло муболаға бўлмайди. Ушбу маданий меросни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчдир. Шу вазифани амалга ошириш ва ҳал қилишда ёшлар ва бутун халқ онгига мустақиллик руҳини сингдириш катта аҳамият касб этади.

Маданий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маданияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини

билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарвалик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маданиятли инсон, дея олмаймиз.

Комил инсон тушунчаси – бу биз учун мукамал шахс демакдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятининг тирик виждонларидир. Комил инсонларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, “Инсонни комил” номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолотга етган бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лукма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига кўполлик қилмаслик, чучук тилли, яъни яхши, мулойим тилли бўлиш, раҳмдил бўлиш, сахий бўлиш, мард бўлиш, хушхулқ бўлиш, рози-ризолик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб, қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар қатта маданий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножўя хатти-ҳаракатлар ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашади, уларда иймён ва виждон биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2006. 304.
2. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й, 4-сон).
3. Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар луғати. Тошкент.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2021. 288–289 бетлар.